



КОНСТИТУЦИЯ – ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ	2
ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ	3
ТАЪЛИМ, ИЛМ-ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАМКОРЛИГИ	5

Ро'лат о'тда товланади, одам меҳнатда


Metallurg Minbari



О'zbekiston metallurgiya kombinati aksiyadorlik jamiyatining ko'p nusxali gazetasi

2022-yil 18-noyabr № 13 (1521)
Gazeta 1992-yil 7-martdan nashr etilmoqda

**Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул
қилинганнинг
30 йиллиги билан
табриклаймиз!**



Инвестиция дастури асосида “Қуюв-прокат мажмуасини қуриш” лойиҳаси амалга оширилаётганлиги нафақат комбинатда, балки мамлакатимизда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қурилиш ишлари қизғин кетаётган бу мажмуада янги, замонавий техника ва технологиялар ишлаб чиқаришга жорий қилинмоқда.



Самарқанд шаҳрида II Ўзбекистон иқтисодий форуми бўлиб ўтди. Форумда комбинат бошқаруви раиси ўринбосари – молия директори Татяна Будейнинг комбинат FRO андеррайтери "Avesta Investment Group" компанияси билан биргаликдаги форумнинг панел сессиясида чиқишлари бўлиб ўтди.



Тошкент Давлат техника университети ҳамда Москва пўлат ва қотишмалар институтининг Олмалиқ филиалларининг ўқитувчи ҳамда талабалари "Ўзметкомбинат" АЖда ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишдилар.

БУГУНГИ СОНДА

Ҳомийлик

Ёрдам
кўрсатилди 4

Сўровнома

Ҳайратда қолдирди ва
хурсанд қилди 6

Саналар

Ғуруримиз 7

Огоҳ бўлинг!

“Ўлжа” тузоққа
тушмади 8

Экология

"Долзарб 40
кунлик" 9

Саломатлик

Беғараз ёрдам 10

Юбилей олдидан

Металлурглار
сулоласи 11

Спорт

Суперлига байроғи
туширилди 11

Тафаккур

Яхшиликнинг
меvasи 12

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

КОНСТИТУЦИЯ – ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Азиз металлурлар! Қадрли бекободликлар!

Сизларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 30 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан халқимиз ўз олдига қўйган эзгу мақсадларга эришиш, яъни юртимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини шакллантиришда Конституциямиз мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилди. Шу маънода Конституция нафақат мустақиллигимизнинг ҳуқуқий негизи, балки халқимизни озод ва обод Ватан, эркин, фаровон ҳаёт қуришдек буюк мақсад сари бирлаштирувчи муҳим қонуний ҳужжат сифатида ҳам ардоқлидир.

Конституциямиз асосида мамлакатимизда миллий қонунчилик тизими, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари шаклланди. Бугунги кунда барча жабҳаларда кенг қўлмалли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ижтимо-

ий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳиятимиз юксалиб, фуқароларимизнинг дунёқараши тобора ўсиб бормоқда. Буларнинг барчаси, энг аввало, Бош қомусимизнинг ҳаётбахш куч-қудрати натижасидир.

Асосий Қонунимиз берган ҳуқуқий асослар натижасида яратилган кенг имкониятлар комбинатимиздаги бунёдкорлик ишларида яққол кўзга ташланмоқда.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича комбинатимизда кенг ҳажмли ишлар амалга ошириляпти. Уларнинг энг йириги Қуюв-прокат мажмуасини қуриш ишлари белгиланган жадвал асосида олиб борилмоқда. Жорий йилнинг 10 ойида пўлат эритиш, прокат маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалари зиёди билан бажарилди.

Конституция бўйича ҳар бир шахс меҳнат қилиш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эгадир. Ана шундан келиб чиқиб, комбинатимизда ҳам меҳнат қилиш, дам олиш, инсон соғлиғини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун қулай шарт-шароитлар

яратиш бизнинг энг муҳим вазифаларимиздан биридир.

Мамлакатимизда, қолаверса комбинатимиздаги янгиланишлар, ютуқлар мазмун-моҳияти билан жонажон Ватанимизга, унда азишу муқаррам саналган инсон ва унинг манфаатларига қаратилган. Бугунги кенг қамровли ислохотлар комбинат ишлаб чиқариш қуввати ошишига, меҳнат аҳли реал даромадларининг ўсишига, янги иш ўринлари яратилишига, пировард натижада эса хур ва озод юрт ободлиги ҳамда халқимиз турмуш фаровонлигига хизмат қилади.

Ҳурматли металлурлар! Азиз ҳамшаҳарлар!

Барчангизни яна бир бор кўп минг кишилик комбинат жамоаси номидан байрам билан муборакбод этаман. Доимо саломат ва бахтли бўлинг, Ватанимиз тараққиёти йўлида олиб бораётган ишларингизга муваффақиятлар тилайман.

Рашид ПИРМАТОВ,
“Ўзметкомбинат” АЖ
бошқаруви раиси –
бош директор.

Фойдали алоқалар янада кенгайди



Халқаро даражадаги етакчи иқтисодчилар, нуфузли инвесторлар ва халқаро экспертларни жамлаган II Ўзбекистон иқтисодий форуми Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистоннинг келгуси беш йиллик тараққиёт стратегияси, иқтисодий имкониятлари, дунё ҳамжамияти билан ҳамкорлиги ва ривожланиш тенденциялари, ишбилармон доиралар, хорижий корхоналар вакиллари билан ҳамкорлигини ўрнатиш ҳамда инвесторларни жалб қилиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

“Инсон манфаатларини иқтисодий ислохотларнинг бош мазмунига айлантириш” асосий мулоқот мавзуси бўлган форумда “Ўзметкомбинат” АЖ вакиллари ҳам иштирок этди. Форумнинг иккинчи куни, 4 ноябрда комбинат вакиллари билан инвесторлар билан учрашуви ташкил этилди. Комбинат фаолияти тақдироти ўтказилди.

Комбинат бошқаруви раиси ўринбосари – молия директори Татьяна Будейнинг комбинат FRO андеррайтери "Avesta Investment Group" компанияси билан биргаликда форумнинг панел сессиясида чиқишлари бўлиб ўтди.

Татьяна Будей комбинатда эришилган натижалар, жумладан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари ҳақида гапириб, Қуюв-прокат мажмуасини қуриш” йирик инвестиция лойиҳасига батафсил тўхталиб ўтди. Тадбирда шунингдек, комбинат акцияларини Тошкент Республика фонд биржасида қўшимча жойлаштириш бўйича режалар билдирилди.

Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки сингари нуфузли ташкилотлар вакиллари ва салоҳиятли инвесторлар қатнашган мазкур форум иши самарали ўтди.

Анжуман иштирокчилари янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ўзаро манфаатли келишувларга эришиб, фойдали алоқаларини янада кенгайтирди.

Саломат ҚУДРАТОВА.



Манфаатли ҳамкорлик сари

“Ўзметкомбинат” АЖга Россия Федерациясининг тоғ-кон металлургия ва юк ташиш ускуналари ишлаб чиқарувчиларидан иборат делегация ташриф буюрди. Ташрифдан кўзланган мақсад комбинат фаолияти билан танишиш, тажриба алмашиш ва келажакда ҳамкорликда ишлашдан иборатдир. Дастлаб меҳмонлар Ижрия аппарати мажлислар залида комбинат раҳбарияти билан мулоқот ўтказишди.

Мулоқот жараёнларида ҳар икки томон ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш қуввати, ишлаб чиқариш объектлари ҳамда қурилмаларининг модернизацияси, ёш мутахассислардан тортиб, профессионал ходимларнинг ишлаш

тизими, умуман олганда иш фаолияти бўйича тақдимотлар ўтказишди.

Меҳмонлар Ферроқотишмалар ишлаб чиқариш, Электрда пўлат эритиш, Навли прокат, Иссиқликни ўтказмайдиған материаллар ишлаб чиқариш ва Рангли металллар ишлаб чиқариш цехлари иш жараёнлари билан танишдилар. Комбинат ва цех раҳбарлари делегация аъзоларига корхона ва унинг таркибий бўлинмалари фаолияти ҳақида маълумотлар беришди.

Меҳмонлар Қуюв-прокат мажмуасининг қурилиш жараёнлари билан ҳам танишишди. “Металлург” футбол клуби қошидаги “El Golazo Academy Powered by Real Madrid” футбол академиясини бориб кўрдилар.

Саноат ривожига хизмат қилади

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар марказида тармоқлар ва ҳудудлар саноат корхоналари иштирокида 14 ноябрдан буён ўтказилаётган Республика тармоқлараро саноат ярмаркаси бугун ўз ишини якунлайди.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Рақамли трансформация маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу ярмаркадан кўзланган мақсад нафақат маҳаллий корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини йўлга қўйиш, балки мамлакатимизда харидоргир импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган инвестиция лойиҳалари сонини кўпайтиришни рағбатлантиришдир.

Шунингдек, ярмаркада саноат кооперациясини ташкил этиш ва ички бозорда юқори талабга эга бўлган маҳсулотларни маҳаллийлаштиришга асосий аҳамият берилди.

Мазкур ярмаркада “Ўзметкомбинат” АЖ ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

КУЮВ-ПРОКАТ МАЖМУАСИ

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ

Мамлакатларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишида инвестицияларнинг аҳамияти катта. Маълумки, ҳар қандай давлат дунёдан ажралган ҳолда, жаҳон тажрибаларини ўрганмасдан, дунёнинг етакчи давлатлари илм, фан ва техника соҳасида эришган ютуқларини қабул қилмасдан ривожланиши мумкин эмас.

Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, “Ўзметкомбинат” АЖ каби етакчи тармоқларда чет эл инвестициялари иштирокни кенгайтирмай туриб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб бўлмайди.

Шу жиҳатдан олиб қаралганда

инвестиция дастури асосида “Куюв-прокат мажмуасини қуриш” лойиҳаси амалга оширилаётганлиги нафақат комбинатда, балки мамлакатимизда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу лойиҳа амалга оширилиши эвазига комбинатда маҳсулот ишлаб чиқариш икки бараварга ошиши билан бирга импорт ўрнини босадиган, экспортга йўналтирилган янги маҳсулотлар – пўлат лист ўрамларини ишлаб чиқиш йўлга қўйилади.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш доирасида технологик ускуналарни етказиб бериш учун “Danieli” (Италия) компаниялар гуруҳи ҳамда қурилиш ишлари учун “Ronesanc Avrasiya” (Туркия) компанияси билан шартномалар имзоланган.

Бугунги кунда мажмуада қурилиш ишлари қизғин. Ер қазиш, қай-

та тўлдириш, бетон қоплаш, технологик ускуналар ҳамда асосий бино ва периметр деворлар пойдеворлари, темир-бетон ҳимоя иншоотларини ва пўлат конструкцияларни ўрнатиш, ер ости сув сатҳини тушириш каби ишлар олиб борилмоқда.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш доирасида бош пудратчи “Ronesanc Avrasiya” компанияси томонидан қурилиш-монтаж ишларига 646 нафар ишчи-ходим, шу жумладан 124 нафар муҳандис-техник ходимлар ҳамда жами 65 та техника жалб қилинган.

Маҳаллий компаниялар томонидан етказиб берилган пўлат конструкциялар бош пудратчи компания томонидан ўрнатилмоқда.

Бу лойиҳани амалга оширишда “Ўзметкомбинат” АЖ ҳам фаол иштирок этмоқда. Қурилиш-монтаж бўлини маси томонидан қурилиш

майдонларидаги 8 та мавжуд ёрдамчи цех, бино ва иншоотлар, 3-сон темир парчаларини тайёрлаш эстакадаси демонтаж қилинди, муҳандислик-геология ишлари ниҳоясига етказилди. Комбинат

ички логистика самарадорлигини ошириш ва юк автомобилларининг узлуксиз оқимини таъминлаш мақсадида “Далварзин” канали орқали янги кўприк ҳамда 6-сон янги назорат-ўтказиш пункти қурилди.

Мажмуада ошхона қурилиб, пудратчига вақтинча фойдаланиш учун топширилди. Маъмурий бинонинг қурилиши деярли якунланган. Унинг атрофини ободонлаштириш ишлари давом этмоқда.

Маиший корпуснинг биноси қад ростлаб, том қисми ёпилган. Марказлашган омбор бўйича қурилиш-монтаж ишларининг 80 фоизи бажарилган. Айни вақтда ушбу бинодан “Danieli” компаниялар гуруҳи томонидан етказиб берилган ускуналарни сақлаш омбори сифатида фойдаланилмоқда. Шунингдек, қурувчиларимиз темир-бетон конструкцияларни ўрнатишда ҳам иштирок этмоқда.

Комбинат томонидан узунлиги 814 метр янги темир йўл, 1,2 километр янги автомобиль йўли қурилиб, фойдаланишга топширилди. “Сирдарё” ИЭСдан “Ўзметкомбинат” АЖга қарашли “Металлургия” ва “Печная” нимстанцияларигача узунлиги 23 километр бўлган янги икки занжирли юқори кучланишли электр узатиш линиялари қурилиши ишлари 90 фоизга амалга оширилган. Шу каби яна бир қатор ишлар комбинат томонидан ўз вақтида бажарилиб келинмоқда.

Хорижий ҳамкорлар билан қурилаётган ишлар белгиланган жадвал асосида давом этмоқда. 2024 йилда ишга туширилиши режалаштирилган Куюв-прокат мажмуасида янги, замонавий техника ва технологиялар ишлаб чиқаришга жорий қилинмоқда. Жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш эвазига нафақат комбинат, балки мамлакат тараққиётида бу мажмуа ўзининг муносиб ўрнига эга бўлади.

Диёр ЗУЛФИҚОРОВ.



ILM-FAN BILAN HAMKORLIK

Jahonning taraqqiy etgan davlatlari avvalo, ilm-fan yutuqlari va innovatsiyalarni keng qo'llash orqali rivojlanishga erishib kelmoqda. Ilm-fan va innovatsion ishlanmalar – rivojlanayotgan har bir davlatning bugungi kuni va kelajagini belgilaydigan muhim omilga aylanganligi bejizga emas. Zero, taraqqiy etgan mamlakatlar iqtisodiyotidagi rivojlanishlar buning yaqqol isbotidir.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 6-iyuldagi “2022 - 2026 yillarda O'zbekiston Respublikasining innovatsion rivojlanish strategiyasini amalga oshirish bo'yicha tashkiliy chora-tadbirlar to'g'risida”gi qarori Respublikada innovatsion rivojlanishni jadallashtirish, iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida innovatsiyalar va texnologiyalarni keng tatbiq qilish,

inson kapitalini, ilm-fan va innovatsiya sohalarini rivojlantirishga xizmat qiladi.

Shu qarorning 3-ilovasi ro'yxatida keltirilgan “Yangi turdagi diametri 50 mm. bo'lgan zoldir prokatini ishlab chiqarish uchun kalibr kesuvchi asbob konstruksiyasini yaratish va uni ishlab chiqarish” loyihasi joriy yilning I-choragida zoldir prokat sexida amalga oshirilgandi.

Loyiha Islom Karimov nomidagi Toshkent davlat texnika universiteti Mexanika fakulteti “Nazariy mexanika va mashina va mexanizmlar nazariyasi” kafedrasining dotsenti, texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori Rustam Shaxobutdinov boshchiligidagi muhandislik markazi (R. Juraev, T. Nosirov), mexanika ta'mirlash sexi (F. Abdurahmonov, F. Esanaliyev) va zoldir prokat sexi (O. Asatov, Sh. Abduraimov) mutaxassilari bilan 2 ta “ZPS 40-80”

stanida tatbiq qilingan edi.

2023-yildan boshlab Olmaliq konmetallurgiya kombinatining diametri 50 mm. bo'lgan po'lat zoldirlariga bo'lgan talabi yuqoriligi sabab, hozirgi vaqtda “O'zmetkombinat” AJning innovatsion rivojlanish boshqarmasi Islom Karimov nomidagi Toshkent davlat texnika universiteti (TDTU) bilan ZPS ning 3-chizig'ida “ZPS 80-120” stanida diametri 50 mm. po'lat zoldirlarini ishlab chiqarishni xo'jalik shartnomasi tuzush orqali yo'lga qo'yish rejalashtirilgan.

Ushbu loyihani amalga oshirish uchun ham TDTUdan Rustam Shaxobutdinov jalb qilingan.

Hozirgi kunda, “O'zmetkombinat” AJ xodimlari orasida PhD (falsafa doktori) ilmiy darajasini yoqlash uchun muhandislik markazidan prokat guruhi boshlig'i To'lqinjon Nosirov Rustam Shaxobutdinov bilan birgalikda “Binar”

(ikkitalik) himoya tizimi asosida ilmiy tadqiqot ishlari olib bormoqda.

Ilmiy tadqiqot ishlari yuqorida qayd etilgan “ZPS 80-120” stanida diametri 50 mm. po'lat zoldirlarini ishlab chiqarishni yo'lga qo'yish bilan bog'liq.

“O'zmetkombinat” AJning universitetlar bilan hamkorligini yanada kuchaytirish hamda Zoldir prokat sexining ishlab chiqarish unumdorligini oshirish maqsadida “ZPS 80-120” stanida diametri 40 va 100 mm. bo'lgan po'lat zoldirlarni vallar kirimini o'zgartirish hisobiga ishlab chiqarish samaradorligini oshirish rejalashtirilgan.

Universitetlar bilan bunday hamkorliklar kelajakda “O'zmetkombinat” AJ xodimlari orasidan PhD ilmiy darajasini yoqlash istagida bo'lganlarning imkoniyatlarni kengaytiradi.

Hilola MAVLONQULOVA.

ОЛИМПИА УЙИНЛАРИ - 2024

КОМБИНАТИМИЗНИНГ ХАМ МУНОСИБ ХИССАСИ КАТТА



Спорт нафақат инсонни тоблади, балки унинг давлатлар нуфузини оширишда ҳам хизматлари катта. Спортнинг ижтимоий, иқтисодий, халқаро ҳамкорлик ва бирдамлик вазифалари ҳам бор. Мазкур вазифалар асосида спорт бугунги кунда умумбашарий қадриятларнинг энг асосийлари қаторидан жой олди.

Халқаро майдонда тарихан қисқа давр ичида обрў орттиришга улгурган мустақил Ўзбекистон дунёга нафақат қадимий маданият, буюк мутафаккирлар, олимлар, шоир ва саркардалар туҳфа этган юрт, балки халқаро спорт ҳаракатида улкан муваффақиятларга эришган давлат сифатида ҳам дунё ҳамжамиятига танилди.

Ҳозир бемалол айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон йирик спорт давлатига айланиб, бошқа мамлакатларга кўплаб йиллар керак бўлган йўлни тарихан қисқа муддат ичида босиб ўтди. Бунга мисол қилиб сўнгги йилларда спортчиларимизнинг олимпиадада эришаётган ғалабаларини кўрсатиш мумкин.

Ўзбек спортчиларининг халқаро майдонларда юксак натижаларга эришиб келаётганларининг муҳим омилларидан бири Президент ва ҳукумат томонидан спортчилар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилганлигидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги олимпия ва XVII паралимпия уйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида" ва "Ўзбекистон спортчиларининг навбатдаги ёзги ва қишки Олимпия ва Паралимпия уйин-

ларида муваффақиятли иштирок этиши учун тайёргарлик ишларини жадаллаштириш тўғрисида"ги қарорлари бунинг ёрқин ифодасидир.

Бу қарорлар барча спорт турларини ривожлантириш орқали ёзги Олимпия ва Паралимпия уйинларига спортчиларимизнинг ҳар томонлама тайёрланиши ва муваффақиятли иштирокини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда спорт базалари ва иншоотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий стандартларга жавоб берадиган янги спорт объектларини барпо этиш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2024 йилда Францияда бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия уйинларига пухта тайёргарлик кўриш мақсадида спорт федерациялари тегишли шарт-шароитлар яратиш учун улар вазирлик, идора ва йирик ташкилотларга бириктирилди ва ушбу ташкилотларнинг аниқ вазифаларини белгиланди.

"Ўзметкомбинат" АЖ ҳам олимпиядачиларимизнинг жаҳоннинг энг нуфузли бу мусобақаларида иштирок этишлари учун ҳомийлик ёрдами кўрсатади. Ҳомийлик ёрдамлари миллий терма жамоалар ҳамда спортчиларнинг йил давомида доимий узлуксиз ўқув-машғулот йиғинлари, халқаро мусобақа ва турнирларда мунтазам иштирокини таъминлайди.

Кучли ва малакали маҳаллий ва хорижий мураббийлар бошчилигида спортчиларимиз олимпиадада муносиб иштирок этишни таъминлашга бекободлик металлурглр ҳам ўзларининг муносиб хиссаларини қўшади. Ўз навбатида олимпиадачиларимиз яратилаётган шундай имкониятлардан оқилона фойдаланиб Парижда янада кўп ғалабалар билан юртдошларимизни хурсанд қилишади. Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб, мамлакатимизнинг халқаро майдонларда обрў-эътиборини юксакларга кўтардилар, деб ишонамиз.

Илҳом ДИЁРОВ.

Ҳар биримиз ҳаётда оловдан фойдаланамиз. Лекин ҳамма вақт ҳам ундан тўғри фойдаланишни билмаймиз. Ёнғин эса бир неча сонияда ўзимизга, мол-мулкимизга ва яқинларимизга катта талафот келтириши мумкин.

БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик ачинарли ҳолатларга олиб келади. Шу сабабли ҳар доим ҳушёр бўлишимиз даркор. Аҳоли турар-жойларида содир бўлаётган ёнғинлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, фуқаролар ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билсаларда, унга лоқайдлик билан қарашмоқда.

Бундан ташқари, маҳалла ва кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган фуқароларнинг айримлари маиший чиқиндиларни махсус ташланадиган жойларга эмас, балки уйнинг ён-атрофларига, ариқ четларига ташлаб кетиш ҳоллари ҳам кузатилади.

Уйда, ишда ёки жамоат жойларида ёнғин хавфини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш ҳаммамизнинг бурчимиз.

Нуриддин АБДУЛЛАЕВ,
"Ўзметкомбинат" АЖнинг
ОЁХТТЭБ инспектори, лейтенант.

ЯНГИ ДЎКОН МЕТАЛЛУРГЛАР ХИЗМАТИДА

Овқатланиш комбинати қошида жорий йилнинг апрель ойида кичик нон цехи фаолиятини бошлаган эди. Эндиликда бу цех комбинатнинг ошхона ва буфетларини нон маҳсулотлари билан таъминламоқда.

Яқинда комбинат ишчи-ходимларининг талабларини инобатга олган ҳолда Ходимларни ўқитиш ва ривожлантириш бўлими биноси ёнида бу цехда тайёрланаётган нон ва нон маҳсулотларини сотиш учун дўкон фойдаланишга топширилди.

Новвойлар ҳозирча етти хил турдаги маҳсулотларни пишироқдалар. Дўкондан металлурглр нон ва нон маҳсулотларини ойлик ҳисобидан ва терминал орқали харид қилишлари мумкин. Шунингдек, ишчи-ходимларнинг истакларига биноан, кейинчалик қандолат маҳсулотларини тайёрлаш

Мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йил 11 октябрь куни маҳаллаларни обод қилиш ва аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш бўйича устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилишида ҳам Президентимиз сиёсати ва талабини яна бир бор таъкидлаб ўтди. "Ҳеч бир фуқаро ўзининг муаммолари билан ёлғиз қолмаслиги керак. Аҳоли кайфияти – ислохотларимиз ва сиёсатимизнинг кўзгуси. Катта-кичик бўладими, аҳолимиз кўтарган ҳар бир муаммога ўз вақтида муносабат билдириш, уларни босқичма-босқич ҳал қилиш барча даражадаги раҳбарларнинг энг устувор вазифаси бўлиши шарт ва зарур", - деди давлат раҳбари.

ЭХТИЁЖМАНДЛАРГА УЙ-ЖОЙ БЕРИЛДИ

"Ўзметкомбинат" АЖ ҳам металлурглр, ҳамшаҳарларимизнинг эҳтиёжманд қатламининг муаммоларини ҳал қилишга, уларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Комбинат томонидан Бекобод шаҳар ҳокимлиги тасарруфидаги 60 та хонадан иборат нотурар бинони уй-жойга айлантириш мақсадида мукамал таъмирлаш учун ҳокимлик ҳисоб рақамига 2,6 миллиард сўм ҳомийлик маблағи ўтказиб берилди. 368 миллион сўмлик қўшимча таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шу бинодаги 5 та бир хоналик турар-жой металлурглрга комбинатдаги хизмат даврида фойдаланиш учун хизмат уйлари тариқасида ажратилди. Бу хоналар уй-жойга муҳтож, доимий яшаш учун турар-жойи бўлмаган ва ўзининг ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жой мавжуд бўлмаган, хусусий уй-жой фондида ижара ҳуқуқи асосида истиқомат қилаётганларга ажратилди.

Мукамал таъмирлаб, реконструкция қилинган бу уй-жойлар Бекобод шаҳрининг эҳтиёжманд қатламига, айниқса, хотин-қизлар қўллаб-қувватланиб уларга топширилди.

Комбинатнинг Ферроқотишмалар ишлаб чиқариш цехи шихталовчиси Жалил Жамолов, Клининг хизмати кўкаламзорлаштириш қурилиш ишчилари Иброҳим Боймуродов, Олеся Малцева, Қурилиш-монтаж бўлинмаси қоровули Усмонали Жўрабоев, Темир-терсақларни қайта ишлаш цехи катта омборчиси Лола Шукурова вақтинча фойдаланиш учун бу уйдан ажратилган хонадонларга кўчиб келишди.



йўлга қўйилганидан сўнг бу дўкон орқали турли хилдаги қандолат маҳсулотлари ҳам ойлик ҳисобидан ва терминал орқали сотувга чиқарилиши режалаштирилган.

ПРОФЕССОР ВА ТАЛАБАЛАР МЕҲМОНИМИЗ



“Ўзметкомбинат” АЖда жорий йил 12 август куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари металлургия саноатимизни жадал ривожлантиришнинг тўртта асосий вазифасини белгилаб берган эди. Улар қаторида соҳада малакали кадрлар тайёрлаш, илм-фан ва инновацияни ривожлантиришга эътибор қаратилган эди.

Шу вазифалардан келиб чиқиб корхона-

ларнинг олий ўқув юртлари билан ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Кончилиги ва металлургия саноати фахрийлар кенгашининг Бекобод ҳудудий филиали вакиллари билан Ислон Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети Олмалик филиали ва Москва пўлат ва қотишмалар институти Олмалик филиалининг ўқитувчи

ҳамда талабалари “Ўзметкомбинат” АЖга ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишиш мақсадида келишди.

Меҳмонлар шу куни саёҳатни дастлаб комбинат тарихи музейи билан танишишдан бошлашди. Шундан сўнг Электрда пўлат эритиш, Навли прокат, Халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш цехларида ишлаб чиқариш жараёнини бориб кўришди.

Мутахассисларнинг фикрича бундай малакавий амалиётнинг асосий мақсади бўлғуси мутахассисларнинг касбий маҳорат ва қобилиятларини янада ривожлантиришдан иборатдир.

Агар талабалар билимларини амалиётда қўллашни, ҳаётга татбиқ этишни ўргансалар ва бу жараёнда назарий хулосаларга келсалар уларнинг олган билимлари қатъий ишончга айланади.

Асосийси таклиф этилган ўқитувчи ва талабалар “Ўзметкомбинат” АЖ ҳақида катта таассуротларга эга бўлишиб, қуйида бу ҳақда ўзларининг ижобий фикрларини билдиришди.



ИЛМ АҲЛИДА ҚИЗИҚИШ ВА ИНТИЛИШ ПАЙДО БЎЛАДИ

Ҳозирги вақтда назарий билимни амалиёт билан боғламасдан бирон бир нарсага эришиб бўлмайди. Кўп корхоналарда бўлаёпмиз. Бу ишларни ташкил этаётган ва корхоналарни ўрганишимизга ёрдам бераётган Ўзбекистон Республикаси Кончилиги ва металлургия саноати фахрийлари кенгаши, Навоий ва Олмалик кон-металлургия комбинатлари, “Ўзметкомбинат” АЖ раҳбарларига раҳмат.

Талабаларимиз бу корхоналар фахрийлари билан ҳам учрашяпти. Учрашуларда уларнинг ҳаётий ва саноатдаги меҳнат тажрибалари билан танишяпмиз. Бу талабаларга соҳа пенсионерлари ва фахрийларининг бой касбий тажриба ва кўникмаларидан унумли фойдаланишга катта имконият беради.

Талабаларимиз катта қизиқиш билан комбинат тарихи, ишлаб чиқариш билан танишди. Бу уларнинг назарий билим олишларига яхши маънода туртки беради.

Ҳар қандай мутахассислик бўйича таълим берувчи ишлаб чиқариш билан танишмасдан туриб талабаларини ишлаб чиқариш жараёнлари билан тўлиқ таништира олмайди.

Шу нуқтаи назардан мен раҳбар бўлишимга қарамай талабаларга дарс бераман, маърузалар ўқийман. Шунинг учун “Ўзметкомбинат” АЖга келиб ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан танишиш, комбинатга келолмаган талабаларга бекободлик металлургияларнинг иш жараёнлари ҳақида тушунчалар бериши уларга ҳам фойда қилади, деб ўйлайман.

Биз комбинат тарихи музейи билан танишиб, мамлакатимиз саноатининг етакчиларидан бири бўлган улкан саноат корхонасининг қурилишидан тортиб, бугунги кундаги

ривожланишигача бўлган йўли билан танишиб олдик.

“Ўзметкомбинат” АЖда бир неча марта бўлганман. Бугунги кундаги янгиликлар жараёнлар ҳам албатта бизда катта қизиқиш уйғотади. Биз албатта бу жараён билан танишимиз давр талабидир.

Мен талабалар билан бирга ёш профессор, ўқитувчиларни ҳам олиб келдим. Уларнинг аксарияти илмий ишлар билан шуғулланаёпти.

Илмий иш билан шуғулланаётган одам ишлаб чиқаришни ўз кўзи билан кўрмаган бўлса, бу жараённи ҳис қилмаса ишда ривожланиш ва жадаллашиш бўлмайди. Шу нуқтаи назардан мен ёш профессорларни комбинатингизга олиб келдим.

Талабаларимиз ўқишни тугатганидан сўнг мана шундай саноат корхоналарида иш бошлайдилар. Улар корхоналарда бўлаётган воқеалардан хабардор бўлишлари, янгиликларни кўришлари керак. Ана шунда уларда келажакка бўлган ишонч ортади. Янги иш жойларига ҳозирданоқ кўникма ҳосил бўлиб боради.

Бу жойга келган талабалар корхонага келолмаганларга саноатда бўлаётган ўзгаришлар, янгиликлар ва ишлаб чиқариш ҳақида тушунча беришларига ишончим комил. Ўз навбатида уларда ҳам корхоналар ҳақида умумий бўлсада тасавурлар пайдо бўлиб, соҳасини янада чуқурроқ ўрганишга қизиқиш ва интилиш пайдо бўлади.

Алишер САМАДОВ,
Тошкент давлат техника университети Олмалик филиали директори, техника фанлари доктори, профессор.

КУТГАНИМДАН ҲАМ АЪЛО

“Ўзметкомбинат” АЖда биринчи марта бўлишим. Корхонанинг тарихи музейи, ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишиб катта таассуротлар олдим. Комбинатнинг катталиги, ҳажмини кўриб таажжубга тушдим. Мен бу комбинатни бошқача тасавур қилган эдим. Аслида назарий томондан қараганда бу бошқача, бу ёққа келиб ўз кўзинг билан кўришдан умуман бошқа ҳис-ҳаяжонни ҳис этиб, таассуротлар оласан экан.

Бу комбинат менинг кутганимдан ҳам аъло экан. Биз талабалар металлургия корхонасига келганимиздан жуда хурсандмиз. Талабалар учун цехлар, ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишиш жуда муҳим. Чунки, биз назарий томондан ўрганаётганларимизни амалда ўз кўзимиз билан кўриш орқали институтда олаётган

билимларимизнинг ишлаб чиқаришда нақадар зарур бўлишини англаб етдик. Яхши ўқиш келажакда қанчалик муҳимлигини тушуниб ўқишга янада жиддий қараймиз.

Эндиликда диплом олганимиздан сўнг бизни қандай иш кутаётганлигини, қаерга ишга жойлашимиз кераклигини ҳам билиб олдик. Умуман олганда металлургия соҳасида ишлаш аввал тасавур қилганимдан анча қизиқарли эканлигига амин бўлдим.

Бизни комбинатда яхши кутиб олиб, бу саноат экскурсиясини уюштирганларга катта раҳмат.

Сайёра ЗОТОВА,
Москва пўлат ва қотишмалар институти Олмалик филиалининг қора металлургия йўналиши 4-курс талабаси.

НАЗАРИЙ БИЛИМЛАРНИ АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАШНИ ЎРГАНДИК

Комбинатга келганимиздан жуда ҳам хурсандмиз. Бизни аъло даражада кутиб олишди. Комбинатни ўрганиб олган таассуротларим жуда ҳам яхши. Ишлаб чиқариш жараёнларини ўз кўзимиз билан кўрдик.

Бунгача Олмалик кон-металлургия комбинатида амалиётда бўлганман. У ёқда иш жараёнлари бошқача, бу жойда бошқа. Ҳаммасининг ўзига яраша технологиялари, услублари бор. Бир бирига асло ўхшамайди.

Бу комбинатда иш жойлари жуда озода. Ишлар тартибли олиб борилади. Қўл меҳнати камроқ экан. Пўлат эритиш, прокат маҳсулотлари ҳамда

халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш цехларида бўлди.

Биз университетда машғулотларда мана шу ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича назарий билимлар олганмиз. Бу жойда маҳсулотлар тайёрлаш жараёнларини кўриб амалиётда анча бошқача эканлигини ҳис этдик. Бу назарий билимларимизни амалиётда қўллаш, уларни ўзаро боғлаш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида ҳам тасавурларга эга бўлдик.

Азиза РАЙМҚУЛОВА,
Тошкент Давлат техника университети металлургия йўналиши 4-курс талабаси.

"МЕТАЛЛУРГ МИНБАРИ" ВА "ЗА МЕТАЛЛ" ГАЗЕТАЛАРИ СИЗ УЧУН ҚАНДАЙ АҲАМИЯТГА ЭГА?

ГАЗЕТА ТАРИХИДАН

Дастлабки газета қўлёзма шаклида янгиликлардан иборат бўлган. Қадимги Римда Юлий Цезар "Рим халқининг кундалик ишлари"ни нашр этган. Бу нашр майдонларга осиб қўйилган. Сиёсатчиларга ёки таниқли фуқароларга берилган. Дунёдаги биринчи босма газета VIII асрда Хитойда нашр этила бошланган "Пойтахт хабарлари" бўлган эди. Унда императорнинг фармонлари ва энг муҳим воқеалар тўғрисида хабарлар жойлаштирилган.

Шу даврларда Самарқандга Хитойдан қоғоз ишлаб чиқариш санъати кириб келди. Тез орада "Самарқанд" қоғози шарқнинг барча мамлакатларида машҳур бўлди. Асрлар давомида қўлёзма китоблар саҳифаларида Рудакий, Фирдавсий, Саъдий, Жомий, Навоий, Бобур ва олимлар Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ал-Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Улуғбек асарлари нашр этилди.

1906 йил 27 июнда Ўзбекистонда "Тараққий" газетаси чиқарилган. Сўнгра "Осиё", "Самарқанд", "Турон", "Эл байроғи" каби газеталар нашр этилган. 1914 йилдан чиқа бошлаган "Садои Фарғона" ("Фарғона овози") газетасининг эгаси ва

газета ва журналлардан ажралиб қолдик. Шундай аянчли ҳолга келдикки, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқи-маслиги билан мақта-надиган бўлдилар.

Ўзингиз биласиз, дунёда компьютер технологиялари энг ривожланган давлатлардан бири бу – Япониядир. Лекин ушбу мамлакатда кунига 3-4 миллион нусхада нашр этиладиган газеталар борлигига нима дейсиз? Айтмоқчиманки, ҳаётимизда радио-телевидение, Интернет билан бирга босма нашрларнинг ҳам ўз ўрни бор. (Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан).

СЎРОВНОМА ЎТКАЗИЛДИ

Биз комбинат ишчи-ходимлари ўртасида сўровнома ўтказишни таклиф қилдик, комбинат раҳбарияти бу ташаббусни қўллаб-қувватлади.

Сўровномада комбинатимизнинг барча таркибий бўлинмалари иштирок этди.

Электрда пўлат эритиш, Навли прокат ва Золдир прокат цехлари, Идоравий ҳарбийлаштирилган қоровуллик, Metallurgiya ускуналарини таъмирлаш цехи, Коммунал хизмат кўрсатиш хизмати, Темир йўл хизмати, комбинат Марказий лабораторияси, Темир-терсақларни қайта ишлаш цехи, Рангли металлларни ишлаб чиқариш цехи, Қурилиш-монтаж бўлинмаси, Иссиқликни ўтказмай-диган материаллар ишлаб чиқариш цехи жамоалари сўровномада жуда фаол иштирок этишди.

Сўровнома натижалари бизни ҳайратда қолдирди ва хурсанд қилди.

Ишчи-ходимлар томонидан ўлдирилган 6843 та сўровнома олинган. Улардан 5483 тасида комбинат газеталарида корхона ва унинг ишчилари ҳақидаги мақолаларни ёритиш таклиф қилинган. (қўштирноқлар ичида сўровномалардан иқтибослар келтирилган): "ишчилар ҳаёти тўғрисида мақолалар ёзинг", "ходимлар билан суҳбатлар ташкил қилиниб, уларнинг ютуқлари ёритилсин", "камчиликлар ва ютуқлар тўғрисида кўпроқ материаллар берилсин", газета ходимлари билан учрашувлар ташкил этилсин" (Навли прокат цехи), "пўлат эритувчилар ҳақида кўпроқ ёзинг" (Электрда пўлат эритиш цехи), "комбинат ҳақида кўпроқ янгиликлар берилсин" (Идоравий ҳарбийлаштирилган қоровуллик), "комбинат тарихи тўғрисида кўпроқ мақолалар нашр этиш керак" (Технологик жараёнларнинг автоматлаштирилган бошқарув тизимлари лабораторияси), "цехимиз тарихи ҳақида мақолалар керак" (Электр таъмирлаш цехи), "металлурглр ва фахрийлар ҳақида кўпроқ мақолалар ёзинг", "комбинатимиз, цехимиз тарихи ҳақида кўпроқ мақолалар беринг" (Клининг хизмати), "касаба уюшма қўмитаси янгиликлари ҳақида ёзинг" (Темир йўл хизмати), "кўп йиллар давомида ишлаган металлурглр, шунингдек, ёш металлурглр ҳақида ёзинг" (Ижроия аппарати),

"...Одам фақат юздан бирини ўз кўзлари билан кўриши мумкин, қолган тўқсон тўққиз фойзини эса китоб орқали билиб олади".

Рей БРЕДБЕРИ,
америкалик ёзувчи,
илмий фантастика классиги,
"Фаренгейт бўйича 451 даража"
китоби муаллифи.



муҳаррири тоғ-кон металлурги Обиджон Маҳмудов бўлган.

Комбинатимиз газеталари ҳақида тўхталадиган бўлсак, "За металл" Бекободдаги биринчи газета ҳисобланади. У республикадаги энг кекса газеталардан бири. "За металл" газетасининг биринчи сони завод қурилиши авжига чиққан пайтда – 1943 йил 27 апрелда нашр этилган. Газетага Гигоян, Алиев, Миргородский, Сисоев, Михин, Ҳамидов, Сухарев, Дегтерёв кабилар кўп йил муҳаррирлик қилишган. Дастлаб "За металл – Металл учун" газетаси ярни рус тилида, ярни ўзбек тилида нашр этилган. Бироқ, замон тақозаси билан кейинчалик газета фақат рус тилида чиқа бошлайди. Мустақилликдан сўнгра, 1992 йил 7 мартдан бошлаб ўзбекча газета "Металлург минбари" номида ўз фаолиятини қайта бошлади.

ТАЪКИД

Бугун радио, телевидение, интернет қаторида босма нашрларнинг ҳам ҳаётимизда муҳим ўрни бор. Бу ҳақда давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳам бир неча бор таъкидлаб ўтган.

– Афсуски, биз кейинги йилларда "мажбурий обуна" баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик. Бунинг натижасида ... зарур бўлган



"комбинат тарихи ва унинг ходимлари ҳақида кўпроқ ёзинг", "янги технологиялар ҳақидаги маълумотларни, фан соҳасидаги янгиликларни чоп этинг" (Қуюв-прокат мажмуаси), "шаҳар ва комбинат фаолияти тўғрисида кўпроқ мақолалар беринг", "комбинатда ишлайдиган аёллар учун саҳифа очилиши керак" (Рангли металлларни ишлаб чиқариш цехи), "комбинат ва жаҳон металлургияси янгиликлари ёритилсин" (Таъмирлаш-механика ва Навли прокат цехлари, Ижроия аппарат), "туғилган кунга табриклар берилсин" (Темир йўл хизмати).

ГАЗЕТА БИЗГАЧА ЕТИБ КЕЛМАЯПТИ

Матбуот хизматимиз барча сўровномалардаги фикр ва таклифларни эътиборга олади. Биз уларни сизнинг ёрдамингиз билан биргаликда амалга ошираемиз. Жумладан шу сондан комбинатдаги меҳнат сулоалари, меҳнат фахрийлари ҳақида мақолалар берилади. Сиз ва комбинатда ишлайдиган яқинларингиз, ҳамкасбларингиз ҳам эътибордан четда қолмайди.

Сўровномалардан билдикки, газеталар цехлар ва хизматлар ходимларига етиб бормайди: "газеталар цехларга етиб келсин" (Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехи), "бизга ҳам газета беринглр" (Электрда пўлат эритиш цехи), "газета ишчиларга ҳам етиб келсин" (Қуюв-механика цехи), "газета қоғоз шаклида чиқсин", "катта нусхада нашр қилинсин, чунки ишчиларгача етиб келмаяпти" (Темир-терсақларни қайта ишлаш цехи), "газета бизгача етиб келмайди" (Қурилиш-монтаж бўлинмаси), "бизга ҳам газета беринглр" (Клининг хизмати), "газеталар участкаларгача етиб бормай, идорада қоляпти" (Назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика бошқармаси), "цехимизга газета келмайди" (Metallurgiya ускуналарини таъмирлаш цехи).

Касаба уюшмаси қўмитаси бу муаммони ҳал қилишда бизга ёрдам беради. Қўмита газеталар цехларга, иш жойингизга етиб бориши учун ёрдам беришга тайёр.

Газеталарни ўқинг, саволлар беринг, таклифлар киритинг, чунки газеталар комбинат аъналарининг, металлурглр шаҳри Бекобод аъналарининг давомчисидир.

Хулоса ўрнида комбинатнинг миссияси қандай эканлигини эслатиб ўтмоқчиман, "Биз аъналарни асраб-авайлаймиз, мамлакат ва жамият фаровонлиги учун янги имкониятлар яратамиз".

Оксана НЕДОЛУЖКО,
комбинатнинг
комплаенс директори.



БАЙРОҒИМИЗ - ҒУРУРИМИЗ!

Давлат рамзлари ҳар бир мамлакатнинг суверенитети ва мустақиллигини ифодаловчи муқаддас тимсоллардир. Ўзбекистоннинг давлат рамзлари халқимизнинг шон-шарафи, тарихий хотираси, интилишларини ўзида мужассам этиб, шу юртда яшовчи ҳар бир фуқарога ғурур, фахр ва ифтихор бағишлайди. Ўзбекистон фуқаролари учун мустақилликнинг муқаддас рамзлари – Давлат герби, Давлат байроғи, Давлат мадҳияси азиздир. Улар маънавиятнинг энг муҳим тимсолларидир. Шу боис, байроғимиз ёки гербимизга назар солганимизда ёки мадҳиямиз янграганда биз руҳан жўшқинликни, азмушчиликни, шижоатимизни, қалбимизда ғурур ва буюк истиқболга ишонч туйғусини ҳис этамиз.

“Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи тўғрисида”ги

қонун 1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган VII сессиясида қабул қилинган. Бугун миллий байроғимиз давлат идора ва муассасалари, ўқув юртлари, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, чет эллардаги элчихона ва доимий ваколатхоналаримиз пештоқида ҳилпираб турибди. Турли байрам тантаналарида, мамлакатимиз аъзолари қатнашаётган халқаро миқёсдаги сиёсий, маданий-маърифий тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида ҳам байроғимиз Ватанимизнинг шаъни, халқимизнинг ғурурини ёрқин акс эттирмоқда.

Давлатимиз байроғи тинч ва осойишта, озод ҳамда эркин ҳаётимиз, ёруғ келажагимизга бўлган ишончимиз тимсолидир.

Абдусалом АБДУЛЛАЕВ.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ИШЧИ-ХОДИМЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ ДЎСТИ

Юртимизда кечаётган янгиликлар ва ўзгаришларда касабани уюшмалари ҳам фаол қатнашиб, ислохотларни қўллаб-қувватлаган ҳолда турли соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида тизимли ишларни амалга оширмоқда. Бу жараёнда комбинат касабани уюшмаси қўмитаси ҳам фаол иштирок этаётганини эътироф этиш жоиз.

Касаба уюшмаси аъзоларининг меҳнат ва дам олиш ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш, ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнатини муҳофаза этиш, ишига кўмаклашиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига ёрдамлашиш улар фаолиятининг асосини ташкил этади. Албатта, бу ишларнинг барчаси комбинат бошқаруви билан Касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида жамоа аъзоларининг меҳнатга оид, бошқа ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган жамоа шартномасига асосан амалга оширилмоқда. Ушбу жамоа шартномаси бандларининг бажарилиши мунтазам равишда назоратга олинган.

Шунингдек, бу оммавий жамоат ташкилоти меҳнат аҳли, айниқса, ёшлар ва аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, миллий ўзликни англаш, юксак маънавиятни шакллантириш каби йўналишлардаги ишларни амалга оширишда ҳам комбинатнинг асосий кучларидан биридир. Чунки,

касаба уюшмалари жамоатчилигининг, айниқса, меҳнат жамоаларининг манфаатларини ҳимоялаш, улар кайфияти, қарашлари, нуқтаи назарларини шакллантиришда муҳим ўрин тутаяди.

Комбинат ишчи-ходимлари мамлакатимизнинг кўхна шаҳарларига сайёҳатларга олиб борилмоқда. Турли байрамларга, саналарга бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Жумладан юзлаб металлургия пойтахтга спектакль, концертларга бориб келишди.

Нафақат комбинат санаторий-профилакторийси, балки республика санаторийларига ҳам имтиёзли йўланмалар ажратилиб, металлургия фахрийлар соғлиқлари мустаҳкамланмоқда. Шунингдек, меҳнат фахрийларига озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам берилмоқда. Ишчи-ходимлар ўртасида турли спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Умуман, бугунги кунда касабани уюшмаси ишчи-ходимларнинг ҳақиқий дўстига айланмоқда.

Бундан икки йил муқаддам “Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Эндиликда соҳа ходимлари ҳар йили 11 ноябрь кунини касб байрами тариқасида нишонламоқдалар. Давлат раҳбари касабани уюшмалари ходимлари кунини муносабати билан йўллаган табригида 11 ноябрни – “Умумхалқ байрами” сифатида дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида таклиф билдирди. Агар таклиф маъқулланса, кейинги йилдан мазкур сана дам олиш кунини бўлади.

10 декабрь - Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси қабул қилинган кун

МУҚАДДАСДИР ВАТАН МАДҲИЯСИ

Давлат рамзлари ҳам ватанпарварлик фазилатини шакллантирувчи, шу азиз юртимизни жону дилдан севишга ундовчи муҳим воситадир. Давлатимиз мадҳияси янграганда, бутун вужудимизда ажиб антикиш, дилимизда чексиз ифтихор туйғусини ҳис этамиз. Чунки унда юртимиз таровати, буюк келажак барпо этиш йўлида фидоқорона меҳнат қилаётган халқимизнинг орзу-интилишлари, Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тобора юксалиб бораётган обрў-эътибори, халқимизнинг келажакка қатъий ишонч билан интилаётган азмушчилик акс этган.

Мадҳиямиз бой тарихимизга, миллий ўзлигимизга чуқур ҳурматни шакллантиришда, фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол ва етук инсонлар бўлиб вояга етишида муҳим тарбиявий восита бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов шеъри, Ўзбекистон халқ артисти, атоқли композитор Мутал Бурҳонов мусиқаси асосида яратилган мадҳиямизда мардона ва шарафларга бой ўтмишимиз, миллий анъана ва қадриятларимиз, тинчлик, осойишталик, миллатлараро тотувлик ва биродарлик каби умминсоний туйғулар тараннум этилган.

Ҳасанбой ШОКИРОВ.



МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Металлургия маданият саройида соҳада самарали меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ бошланғич ташкилот раислари Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик тармоқлари ходимлари касабани уюшмаси Республика Кенгашининг фахрий ёрлиқ, совғалар билан тақдирланишди.

Шунингдек, Комбинат Касаба уюшмаси қўмитаси томонидан комбинат фахрийлар кенгаши раиси Илҳом Қурбонов эсдалик совға, бокс бўйича Тожикистон Президенти Кубоги соҳиби Бобур Йўлдошев, халқаро рақс танлови ғолибаси Дилдора Саттарова ва “Парвоз” болалар рақс тўғараги раҳбари Гулноза Турдибоева “Ташаккурнома” ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланишди.

СУЗИШ ҲАВЗАСИ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛДИ



“Металлург” спорт мажмуасида жойлашган Сузиш ҳавзаси тантанали равишда очилди. Мазкур сузиш ҳавзаси касабани уюшмаси қўмитаси томонидан иш берувчи билан ҳамкорликда тўлиқ замонавий услубда таъмирдан чиқарилди.

Бу сузиш ҳавзаси комбинатимиз ишчи-ходимлари ва шахримиз аҳолиси ҳамда уларнинг фарзандлари учун муносиб совға бўлди.

"ДЎСТЛИК КУБОГИ"

“Металлург” спорт мажмуасида Ўзбекистон Касаба Уюшмалари кунига бағишлаб Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик тармоқлари ходимлари касабани уюшмаси Республика Кенгаши Тошкент ҳудудий Кенгаши ҳамда комбинатимиз ходимларидан иборат 12 та жамоа иштирокида мини-футбол бўйича “Дўстлик кубоги” мусобақаси ўтказилди.

Мусобақада 1-ўринни Навоий кон-металлургия комбинати, 2-ўринни “Ўзметкомбинат” АЖ, 3-ўринни комбинат Касаба уюшмаси қўмитаси жамоаси эгаллади. Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

“ЎЛЖА” ТУЗОҚҚА ТУШМАДИ

Баъзи одамлар ризқи ҳалолдан келяптими, ҳаромдан келяптими – ажрата олмайди. Тўғрироғи, унга осонлик билан ҳаромдан ризқ келаётган бўлса, кўпинча буни ажратгиси ҳам келмайди. Ҳолбуки, ризқ ҳалол ва ҳаромга бўлинади. Ҳалол ризқ учун савоб оламиз, ҳаром ризқ учун жазо муқаррар.

ОСОН ВОЗ КЕЧМАЙДИ

Иймони бут одам ёлғончилик қила олмайди, ҳаромхўрлик қила олмайди, фирибгарлик қила олмайди. Лекин акси бўлса ризқи ҳаромдан келаётганини билсада ундан осонликча воз кеча олмайди. Пул учун ҳеч нарсадан тап тортмайди. Ягона мақсадлари нимадандир одамларни чалғитиб, ҳаром бўлсада бойликка, пулга эга чиқиш. Булар инсоният учун хавфли одамлар. Улардан эҳтиёт бўлиш керак.

Фирибгарлар ҳам ана шулар жумласидан. Фирибгарларнинг кимдир иш қидириб юрганини билса ғимирлаб қоладиган тоифаси бор. Улар иш ахтариб юрганларни тузоққа тушириш пайида бўлишади.

ҒАРАЗЛИ МАСЛАҲАТ

“Ўзметкомбинат” АЖнинг янги қуриладиган цехида ишлайдиган Б. Г. ҳам осон пул топиладиган бўлса ўйлаб ҳам қараб турмас экан.

У жорий йилнинг май ойи охирида уйда ҳашар қилади. Ҳашардан сўнг кечки овқат вақтида спиртли ичимлик ичиб ўтиришганида Ж. исми таниши битта хизмат борлигига шама қилади. Орадан бироз ўтиб улар яна учрашганларида Ж. қариндоши бўлган бир қиз “Ўзметкомбинат” АЖга ишга кирмоқчи бўлиб юрганини айтади. Бу қизни пулга бўлса ҳам ишга киритишга ёрдам беришини сўрайди. Б. Г. бу таклифга рози бўлади.

Ж. қизни телефонда чақиради. Қиз келганидан сўнг Б. Г. унга “Ўзметкомбинат” АЖга

фаррошлик лавозимига 2200 АҚШ доллари эвазига ишга олиб кириб қўйиши мумкинлигини айтиб, алдайди. Ишга киришида муаммо бўлмаслигини, сабаби, комбинатда юқори лавозимда ишловчи танишлари борлигини, ишга кириши учун тахминан 2-3 ой кутиши кераклигини маълум қилади. Қиз ишга жойлашганидан сўнг кейинчалик ҳам ўзи раҳнамолик қилиб туришини айтади. Ишга кириш учун паспорт ва диплом нусхалари ва оила аъзоларининг паспорт нусхалари керак бўлиши, ҳужжатлар тайёр бўлганидан сўнг пул билан бирга олиб келишини тушунтиради. Қиз уйдагилари билан маслаҳатлашганидан сўнг аниқ жавоб беришни айтади.

ПУЛ БИЛАН ВОҚЕА ЖОЙИДА УШЛАНДИ

Орадан бир неча кун ўтиб улар яна бу масалада учрашишга келишиб олишади. Қиз пулларни олиб келаётганини эшитган фирибгар чўнтагига осонгина тушаётган долларларни ўйлаб яхши кайфиятда йўлга чиқади.

Шаҳримизнинг 3-даҳасидаги айлана йўл олдига Б. Г. қиз билан кўришади. Қиздан комбинатга ишга кириш учун керакли ҳужжатлари билан бирга 2200 АҚШ долларини ҳам олади. Шу вақт ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари гувоҳлар иштирокида уни ашёвий далиллар билан воқеа жойида ушлашади.

БОШҚАЛАРГА ҲАМ САБОҚ БЎЛСИН!

14 сентябрь куни жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар суди ўз биносида очиқ суд мажлисида бу ишни кўриб чиқди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, иш ҳужжатларини таҳлил қилиб, судланувчининг ўз айбига иқдорлик кўрсатмаларидан ташқари жиноят ишида тўпланган бошқа



далиллар мажмуи билан уни тўлиқ исботланган деб ҳисоблади.

Суд, Б. Г.нинг жиноий ҳаракатларини “фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончли суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни қўлга киритишга суиқасд” аломатларига қайта малакалашни лозим топди.

Содир этган қилмишидан судланувчининг чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини, моддий ва оилавий ҳолатини, вояга етмаган фарзандининг касалманд эканлиги, жиноятни биринчи марта содир этганини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий қамайтирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этилди. Унга жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик тамойилларига қатъий амал қилиниб ҳукм чиқарилди.

Умид қиламизки, Б. Г. бу қилмишидан ўзига тегишли хулоса чиқариб олади. Шунингдек, ишга киритиб қўяман, деб пора олиш, пора бериш ёки пора беришга далолат қилиш сингари ҳолатларга дуч келадиган ҳамшаҳарларимизга, қолаверса металлургияларга ҳам бу воқеа сабоқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Фарҳод ЗОКИРОВ,
жиноят ишлари бўйича
Бекобод шаҳар судининг судьяси.

9 ДЕКАБРЬ – ХАЛҚАРО КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ КУНИ ТАРАҚҚИЁТНИНГ УЛКАН ТЎСИҒИ

Мамлакатимизда олиб бориладиган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад халқимизни рози қилиш, уларда эртанги кунга ишонч ҳиссини уйғотишдир. Бунинг учун аввало ҳар бир фуқарода ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият шаклланиши, ҳар бир инсон ўз халқининг бир бўлаги эканлигини чуқур англаган ҳолда, Ватанга сидқидилдан хизмат қилмоғи, шунингдек жамият тараққиётига тўғаноқ бўладиган иллатларга қарши кескин кураш олиб бориши лозим.

Бу каби иллатлардан бири шубҳасиз коррупциядир. Бугунги кунга келиб коррупция бутун инсониятнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ривожига улкан тўсиқ бўлаётгани айни ҳақиқат.

ЭЛ ШОД БЎЛМАЙДИ, МАМЛАКАТ ОБОД БЎЛМАЙДИ

Албатта, қонуний, ахлоқий ва диний манбалар бундай ноқонуний хатти-ҳаракатларни қоралаб келган. Жумладан, ислом динида ҳам бу иллат тақиқланади.

Шу сабабли ўтмишда буюк аждодларимиз ҳам давлатнинг илдизига болта урадиган бу каби салбий иллатларни қатъий қоралаганлар. Жумладан, Алишер Навоийнинг бир рубоийи ҳам айнан шу хусусда:

**То ҳирсу ҳавас хирмони барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,
То зулму ситам жониға бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.**

Яъни юртда очкўзлик, баднафслик, тамагирлик, адолатсизлик барҳам топмас экан, халқ фаровонлиги, одамларнинг розилиги, мамлакат ободлигини таъминлаб бўлмайди.



Рад этиб бўлмас ҳақиқат шуки, қайси юртда коррупция даражаси паст бўлса, ўша ерда ривожланиш кўрсаткичлари баланд бўлади. Халқаро коррупцияга қарши кураш нодавлат ташкилоти эълон қилган рейтинг ҳам юқоридаги фикрларни батамом тасдиқлайди. Мазкур рейтингда коррупциядан холилик даражаси 0 дан юзгача балл тизимида баҳоланган бўлиб, ривожланган давлатлар ушбу рўйхатнинг бошидан, ривожланишдан анча орқа қолган мамлакатлар охиридан ўрин олган.

ҲАЁТИМИЗГА САЛБИЙ ТАЪСИР ЭТАЁТИР

Коррупция ижтимоий тенгсизлик, халқнинг норозилиги, турли низоларга замин яратади. Амалдорлар, виждонсиз кимсалар мамлакат ғазнаси ва оддий фуқароларнинг чўнтагидан ўмарилган бойликлар ҳисобидан бойиб бораверишади. Оддий халқнинг турмуш тарзи тобора қашшоқлашаверади.

Бироқ таассуфки, коррупция ҳар биримиз-

нинг қайсидир маънода ҳаётимизга таъсир этаётир. Тан олиш лозимки, инсон туғилганидан бошлаб ҳаётининг сўнгги дамларига қадар ва ҳатто ундан кейин ҳам коррупцияни у ёки бу кўринишига дуч келади. Шифохонада, таълим масканларида, ишга жойлашишда, иш жараёнида, соғлиқни тиклаш, ҳатто баъзида марҳумни тезроқ тупроққа топшириш ҳам ўз-ўзидан ҳал бўлмайди.

Албатта, ҳар бир муассаса, ҳар қандай соҳада фидойи, ўз касбини виждонан, сидқидилдан бажариб келаётган раҳбар ва мутасаддилар кўп. Аммо, улар орасида юрган коррупционерлар бошқаларнинг ҳам номини булғайди.

ТАЛАБ ЙЎҚОЛСА, ТАКЛИФ ҲАМ ЧЕКИНАДИ

Агар ҳар бир соҳа коррупция аталмиш “зарпечак”дан тозаланса, ҳар бир инсонда бу иллатга нисбатан нафрат уйғонса, бу иллатга қарши кураш янада шафқатсиз ва аёвсиз тус олса, қанчадан-қанча муаммолар ўз ечимини топган бўлар эди.

Бугун кўпгина тармоқларида “коррупциядан холи ҳудуд”ларни яратишга ҳаракат қилинмоқда, халқаро тажрибадан ўтган янги таълим тарзи жорий этилмоқда. Буларнинг барчаси вақти келиб, ўз самарасини бериши табиий.

Очиғини айтганда ҳар қандай масалани тезроқ ҳал қилиш учун таниш-билиш ёки пул керак деган ярамас ақидага кўникиб қолганмиз. Ҳолбуки, ҳақ-ҳуқуқларимизни пухта билсак ва уни ўз ўрнида талаб қила оلسак, қайсидир маънода коррупцияга қарши курашда ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз. Нимагаки талаб пасаяр экан, таклиф ҳам шунга яраша бўлади. Талаб йўқолса, таклиф ҳам чекинади...

Исмаил ДИЁРОВ.

MUSAFFO TABIAT – YORQIN HAYOTIMIZ GAROVI

2021 yil kuz mavsumida boshlangan "Yashil makon" loyihasi natijalari bo'yicha mamlakat miqyosida 85 million dona daraxt va buta ko'chatlari ekildi. 2022 yil bahor mavsumida esa xuddi shu tartibda 125 million tupdan oshiq daraxt ko'chati o'tqazildi.

Yaqinda o'tkazilgan davlatimiz rahbari boshchiligidagi videoselektor yig'ilishida "Yashil makon" umummilliy loyihasi doirasida bu yil yakunigacha 75 million tup, kelgusi yil bahor oylarida yana 125 million tup mevali va manzarali ko'chat ekish vazifasi qo'yildi.

Davlatimiz rahbari tashabbusiga asosan mamlakatimiz bo'ylab tashkil etilayotgan "Yashil makon" umummilliy loyihasining "dolzarb 40 kunlik" tadbirlarida "O'zmetkombinat" AJ ham faol ishtirok etmoqda.

Kombinatda o'tgan yili 40 mingga yaqin, joriy yil bahor mavsumida esa 8 ming daraxt va butalar ekildi. Bundan tashqari 20 ming dona terak qalamchalari ham o'tqazildi.

20 oktabrdan 1 dekabrgacha o'tkaziladigan "dolzarb 40 kunlik"da kombinat tomonidan 10 mingga yaqin daraxt ko'chatlari ekish rejalashtirilgan.

"Dolzarb 40 kunlik" doirasida kombinatning Klining xizmati ishchi-xodimlari tomonidan yetishtirilgan "Mojjevelnik" daraxtidan 1000 dona, "Tuya sort" archadan 5 ming dona, "Xilokatalpa" daraxtidan 500 dona, "Aliandr" gulidan 250 dona, shu bilan bir qatorda 10 ming donadan ortiq mavsumiy gullardan kombinat hududiga ekildi.

Chinor daraxtini esa dekabr oyida ekish rejalashtirilgan. Bundan tashqari, maysazorlar ham tashkil etilib, sug'orish tizimi ham taftish qilindi va bu boradagi ishlar davom etmoqda.

Kombinat hududini ko'klamzorlashtirish maqsa-

did, Klining xizmatiga qarashli issiqxonada 30 xildan ortiq xonaki, 10 xildan ortiq manzarali gullar bilan bir qatorda limon, "Marakuyya", "Kumkvat" kabi sitrus mevalar, burama majnun-tol va boshqa ko'plab manzarali daraxt ko'chatlari yetishtirilmogda.

Nafaqat ko'chatlarni ekish, balki ularning keyingi parvarishi masalasiga ham alohida e'tibor qaratilmogda. Bundan avval ekilgan ko'chatlarning unib o'sishi uchun mas'ullar belgilanib, parvarishlash ishlari reja-jadval asosida olib borilgan edi. Bugungi kunda ham mazkur ishlar lozim darajada tashkil etilmogda.

Prezidentimiz ta'kidlaganidek, "Yashil makon" umummilliy loyihasi bir yillik tadbir emas. Ertan-



YASHIL OLAMNING AHAMIYATI NIMADA?

Inson nega bu qadar yashillikka intiladi? Tirilik uchun yashil olamning ahamiyati nimada? Keling, bu savolga javob berish uchun quyidagi ma'lumotlarga e'tibor qarataylik: Katta yoshdagi daraxt bir mavsumda yil bo'yi o'n kishi iste'mol qiladigan miqdorda kislorod ishlab chiqaradi. Bir gektar daraxtzor bir kunda 220-280 kilogramm karbonat angidrid yutadi va 180-220 kilogramm kislorod beradi. Daraxtzorlar havodagi chang miqdorini kamaytiradi va shovqinni pasaytirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Manzarali daraxt ekilgan bog'da yarim soatlik sayr qilish bir necha turdagi dori vositalari o'rnini bosadi.

Daraxtlar insonning to'laqonli yashashi uchun muhim hayotiy ahamiyatga ega va tabiatga, insonga bemisl naf keltiradi, hayot davomiyligini ta'minlaydi.

gi kunni, kelajakni o'ylab amalga oshirilayotgan ushbu ezgu ishlar aslo to'xtamaydi.

Atrof-muhit musaffoligini saqlash va tabiiy resurslar muhofazasini amalga oshirish har bir insonning vazifasidir. Eng avvalo, har birimiz tabiat va jamiyat oldidagi mas'uliyatni teran anglasak, yaratilgan ne'matlarning qadriga yetsak, ona tabiat ham bizdan saxovatini ayamaydi. Bugun havas bilan ekan nihollarimiz katta daraxtlarga aylanib, sof va musaffo tabiiy sharoit yaratadi.

Sherozi SHUKURALIYEV.

Bekobod shahridagi "Birdamlik" MFY ko'chasi yo'llari nosoz bo'lib, ta'mirtalab holatga kelib qolganidan bu yerda yashovchilar bir necha yillardan beri aziyat chekishardi. Yo'l yuzida ko'chani yorituvchi tungi chiroqlar yo'q edi. Mahalla ahli yog'ingarchilik mavsumida loy, yozda esa tuproqqa botib ishga, maktabga qatnashga majbur edi.

METALLURG DEPUTATDAN MINNATDORMIZ

XALQ DARDIGA DARMON

Xalq deputatlari Bekobod shahar Kengashiga 2-"Birdamlik" saylov okrugidan saylangan deputat, "O'zmetkombinat" AJning Texnogen chiqindilarni qayta ishlash sexi ustasi Davlatbek Xolmurodovning sa'y-harakatlari natijasida hudud qiyofasi tobora obodlik kasb eta boshladi. Davlatbek kombinatdan ishdan bo'sh vaqtlarida o'z saylov uchastkasi hududida xonadonma-xonadon kezib, aholini qiynab turgan masalalarga ijobiy yechim izlayotgan va chin ma'nodagi xalq vakiliga aylangan deputatni bugun mahallamizda tanimaydigan odamning o'zi yo'q.

Deputat sa'y-harakati bilan "O'zmetkombinat" AJ tomonidan ajratilgan transport vositalarida mahallamiz ko'chasiga shag'al to'kilib, tekislandi. Sim yog'ochlar almashtirildi. Mahallaning qarovsiz ko'chalariga tungi yoritish chiroqlari o'rnatildi. "Vatanparvar" hamda "Me'mor" ko'chalariga yangi yo'l ochildi. Uzoqimiz yaqin bo'ldi, yukimiz yengilladi. Mahalladoshlarimizning nosoz yo'l va tunda qo'rqinchli yo'l borasidagi tashvishi aridi.

Mahallamizni obodonlashtirishda ko'rsatgan yordamlari uchun "O'zmet-



kombinat" AJdan, el-yurt taqdiriga befarq bo'lmagan bu deputatdan minnatdormiz.

Jonkuyar deputatning bu kabi xayrli ishlari ko'pligini ham alohida ta'kidlash joiz. Bir so'z bilan aytganda, mahalla aholisining salomatligini tiklash, ichimlik suvi ta'minotini yaxshilash singari murojaatlariga ham befarq bo'lmasdan, xalq dardi bilan yashab kelayotgan fidoyi deputatdan xursandmiz. Davlatbek Xolmurodov singari jonkuyar deputatlar ko'paysin. Bunday insonlarga ko'p rahmat, deymiz.

"Birdamlik" MFY aholisi nomidan:

**Bahrom QURBONOV,
Shokir TURSUNQULOV,
Barno BAROTOVA,
Bahodir EGAMBERDIEV.**

O'ZBEK TILINING ASOSIY IMLO QOIDALARI ASOS VA QO'SHIMCHALAR IMLOSI

36. Quyidagi qo'shimchalarning birinchi tovushi ikki xil aytilsa ham bir xil yoziladi:

1) -bon, -boz qo'shimchalari ba'zan -von, -voz aytilsa ham, hamma vaqt -bon, -boz yoziladi, darvozabon, masxaraboz kabi. Lekin -vachcha qo'shimchasi hamma vaqt shunday aytiladi va yoziladi: amaki-vachcha, xolavachcha kabi;

2) o'rin kelishigi va chiqish kelishigi qo'shimchasining, o'tgan zamon yasovchisi va III shaxs ko'rsatkichi -di qo'shimchasining boshidagi undosh ba'zan t aytilsa ham, hamma vaqt d yoziladi; ishda, misdan, ketdi, kelmabdi kabi.

37. Quyidagi qo'shimchalarning bosh tovushi ikki yoki uch xil aytiladi va shunday yoziladi:

1) taqlid so'zlardan fe'l yasovchi -illa (chirilla, taqilla) qo'shimchasi so'z tarkibida v yoki u tovushi bo'lganda -ulla aytiladi va shunday yoziladi: shovulla, lovulla, gurulla kabi;

2) nisbat shaklini yasovchi -dir qo'shimchasi jarangli undosh bilan tugagan bir bo'g'inli so'zlarga (kel so'zidan boshqa), shuningdek, z undoshi bilan tugagan orttirma nisbat yasovchisidan keyin qo'shiladi: quvdir, egdir, kuldir,

yondir; o'tkazdir, tomizdir kabi. Qolgan barcha hollarda bu qo'shimcha -tir aytiladi va shunday yoziladi: tiktir, kestir, uyaltir, chaqirtir kabi;

3) jo'nalish kelishigi qo'shimchasi -ga, chegara bildiruvchi -gacha, ravishdosh shaklini yasovchi -gach, -guncha, -gani, -gudek, sifatdosh shaklini yasovchi -gan, buyruq maylining ikkinchi shaxs ko'rsatkichi -gin, shuningdek -gina qo'shimchasi uch xil aytiladi va shunday yoziladi:

a) k undoshi bilan tugagan so'zlarga qo'shilganda bu qo'shimchalarning bosh tovushi k aytiladi va shunday yoziladi: tokka, yo'lakka, ko'nikkach, zerikkuncha, to'kkani, kechikkudek, ekin, kichikkina kabi;

b) q undoshi bilan tugagan so'zlarga qo'shilganda bu qo'shimchalarning bosh tovushi q aytiladi va shunday yoziladi: chopiqqa, qishloqqacha, yoqqach, chiqquncha, chiniqqani, qo'rqqudek, achchiqqina kabi;

v) qolgan barcha hollarda, so'z qanday tovush bilan tugashidan va bu qo'shimchalarning bosh tovushi k yoki q aytilishidan qat'i nazar, g yoziladi: bargga, pedagogga, bug'ga, sog'ga, og'gan kabi.

“METALLURG” SHIFOXONASIGA BEG‘ARAZ YORDAM KO‘RSATILMOQDA

Shifokorlik kasbi – eng mashaqqatli va shu bilan birga sharaflil kasblardan biri hisoblanadi. Chunki, ularning mahorati, malakasi, mas‘uliyati insonlarning hayoti va taqdirida muhim o‘rin tutadi. Jamiyatimizning barcha sohalari qatorida, mamlakatimizda tibbiyotning rivojlanishi, xalqimizning sifatli tibbiyot xizmatlaridan foydalanishlari, shifokorlarning bilimlari, ko‘nikmalari, mahoratlarini oshirishlari uchun keng imkoniyatlar yaratib kelinmoqda. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev “Biz barcha sohalardan ham tibbiyot sohasiga alohida e‘tibor ko‘rsatdik. Chunki bosh maqsadimiz – xalq salomatligini saqlash, sog‘lig‘ini yanada mustahkamlash” – deb ta‘kidlagani so‘zlarimizning isbotidir. Darhaqiqat, bugungi kunda hammamiz guvoh bo‘lib turibmizki, O‘zbekistonda zamonaviy tibbiyotning rivojlanishi uchun imkoniyatlar yaratilmoqda.

“O‘zmetkombinat” AJ ham Bekobod shahri shifoxonalariga homiylik yordamlarini ko‘rsatib kelmoqda. Kombinat tomonidan 2013 yil “Metallurg” shahar shifoxonasida qurilib, jihozlangan kompyuter tomografiya markazi foydalanishga topshirilgan edi. Bu markazga eng zamonaviy kompyuter tomografiya olib kelib o‘rnatilgan. Bu tibbiyot uskunasi insonning jamiki ichki organlarini tadqiqot qilib, kasalliklarni aniqlaydi. Yaqinda “O‘zmetkombinat” AJ boshqaruvi yig‘ilishi qarori bilan “Metallurg” shifoxonasi ichki dorixonasi, tomografiya markazi, “Philips Clear Vue 550” ultratovush apparati uchta o‘lchagich va boshqa asosiy vositalari bilan “Metallurg” shahar shifoxonasi balansiga beg‘araz berildi.

Shuningdek, bugungi kunda Qurilish-montaj bo‘linmasi tomonidan “Metallurg” nomli shahar shifoxonasining 4-qavatida qurilish-ta‘mirlash ishlarini olib borilmoqda. Ta‘mirlashda, xonalarni qaytadan qurish,



suvash, bo‘yash, keramika bilan qoplash ishlari bajarilmoqda. Undan tashqari poliklinika uchun ajratilgan farm zavodning ma‘muriy binosida ham qurilish-ta‘mirlash ishlari olib borilyapti.

Mazkur shifoxona metallurglarga, bekobodliklarga, mehmonlarga zamonaviy va sifatli tibbiyot yordami ko‘rsatadigan shifo maskaniga aylanishida kombinat katta hissasini qo‘shib kelmoqda.



METALLURGLAR DIQQATIGA

SHIFOXONADA CALL-MARKAZ ISH BOSHLADI

“O‘zmetkombinat” aksiyadorlik jamiyati ishchi-xodimlariga tibbiy xizmat ko‘rsatish sifatini oshirish maqsadida “Metallurg” shahar shifoxonasida Call-markaz tashkil etildi.

Endilikda metallurglar tibbiy xizmat ko‘rsatish bo‘yicha shifoxona va poliklinikada duch kelishi mumkin bo‘lgan bir qator tashkiliy muammolarni bu Call-markaz xizmatidan foydalanib hal qilish imkoniyatiga ega bo‘lishdi.

Call-markazga murojaat qilish uchun +99891 006 19 70 telefon raqamiga soat 8.00dan 17. 00 gacha qo‘ng‘iroq qilishingiz mumkin.

“Metallurg” shahar shifoxonasi.

Bemorlarni nafaqat dori-darmon, balki shirin so‘z, qaynoq mehr bilan darddan forig‘ etishga yordam berib vazifalarini halol bajarib kelayotgan tibbiyot xodimlari doimo xalqimizning ardog‘ida. Shu jumladan kombinat sanatoriy-profilaktoriysi, sexlarda faoliyat ko‘rsatayotgan tibbiy punktlar, “Metallurg” shahar shifoxonasi jamoalari ham inson dardiga darmon bo‘lishdek sharaflil vazifalarini bajarish orqali aholi hurmat-e‘tiborini qozonib kelishmoqda.

Mamlakatimizda noyabr oyining ikkinchi yakshanbasida Tibbiyot xodimlari kuni nishonlandi. Bu soha xodimlarini kasb bayramlari bilan yana bir bor tabriklab, sharaflil va mas‘uliyatli faoliyatlarida ulkan yutuq va omadlar yor bo‘lsin, deymiz.

1 DEKABR – OITSGA QARSHI KURASHISH KUNI

INSON HAYOTI UCHUN ENG XAVFLI XASTALIK

Millat genofondiga salbiy ta‘sir etib kelayotgan OITS (orttirilgan immunitet tanqisligi sindromi) ijtimoiy kasallikdir. Shuning uchun u keng ma‘noda nafaqat iqtisodiy, siyosiy zarar keltiradi, shuningdek, oilaviy, ruhiy, ma‘naviy, axloqiy jihatdan salbiy oqibatlarini keltirib chiqaradi.

IMMUN TIZIMI IZDAN CHIQAADI

Ushbu kasallik organizmni ichki va tashqi zararli ta‘sir etuvchi ta‘sirotlardan himoya qiluvchi – immun tizimini virus ta‘sirida izdan chiqaradi.

Virus bemor odam organizmida butun hayoti davomida saqlanib qoladi. Infeksiya dastlab yashirin tarzda kechishi, bu davr bir necha oydan 5-10 yilgacha va undan ham ortiqroq davom etishi mumkin.

Bemorlar kasallik aniqlangan holatdan keyin davolanmasa, dispanser nazoratida turmasa 5 yildan so‘ng ahvoli og‘irlasha boshlaydi. Immunitet tushganidan so‘ng har xil kasalliklar — birdaniga ozib ketish, besabab ich ketish, tez-tez shamollash, o‘pka yallig‘lanishi, ya‘ni pnevmoniya, sil kasalliklari, har xil herpes toshmalar toshishi mumkin.

KASALLIK QANDAY YUQADI?

Kasallikning asosan uch xil: OIV infeksiyasi bor shaxslar bilan himoyalangan jinsiy aloqa qilganda – jinsiy, giyohvand moddalarni

guruh bo‘lib tomir orqali qabul qilganda, virus bilan zararlangan, tekshirilmagan qon va uning tarkibiy qismlari quyilganda, zararsizlantirilmagan (yetarlicha dezinfeksiya qilinmagan) jarrohlik, doyalik, stomatologik, sartaoshlik va boshqa asboblar orqali tibbiy muolajalar olganda, shpris va ignalardan umumiy foydalanganda – parenteral, infeksiyaga chalingan homilador onadan bolaga homiladorlik davrida jarohatlangan yo‘ldosh orqali, bola tug‘ilishi jarayonida tug‘ruq yo‘llari jarohatlanishi tufayli va bolani emizish jarayonida ona suti orqali – vertikal yo‘l bilan yuqishi isbotlangan.

OITS – XASTALIKNING SO‘NGGI BOSQICHI

Kasallikning yashirin davrida virusni yuqtirib olgan shaxslar ko‘rinishidan sog‘lom bo‘lib, ularda kasallikning hech qanday belgilari kuzatilmaydi. Kasallikning shu davri ancha xavfli hisoblanib, infeksiyani yuqtirib olgan shaxslar o‘zlari bilmagan holda kasallikni boshqalarga yuqtirib yurishlari mumkin. OIV infeksiyasida me‘yorda ishlab turgan immun tizimi yillar davomida virusning tajovuzini bosib turadi. Ammo, virus organizmda



ko‘payib asta-sekin immun tizimni mutlaqo izdan chiqaradi va natijada OITS rivojlanadi. Orttirilgan immunitet tanqisligi sindromi (OITS) – odamning immun tizimini immunitet tanqisligi virusi shikastlashi natijasida kasallik belgilari kelib chiqadigan xastalikning so‘nggi bosqichidir.

Hozirgi kunda OIV yoki OITSGa to‘liq davo yo‘q, lekin bugungi kunda OIV infeksiyasini yuqtirib olgan odamning umrini sog‘lom odam umrichalik cho‘zish mumkin. OIV virusi bilan zararlangan odamlarga faqatgina ulardagi virusning ko‘payishini to‘xtatish orqali yordam berish mumkin. Buning uchun shifokorlar maslahatiga to‘liq amal qilish shart.

QOIDALARGA RIOYA ETISH SHART

Qo‘l berib ko‘rishganda, quchoqlashganda, yo‘talganda, aksa urganda, umumiy telefondan foydalanganda, xashorotlar chaqqanda, basseyn,

hammom, xo‘jatxonadan umumiy foydalanilganda, umumiy idish-tovoqdan, kiyim kechak va ko‘rpa-to‘shak orqali kasallik yuqmaydi.

Bu kasallikka chalingan bemorlar yaxshi ovqatlanishi va yaxshi narsalarga intilishlari zarur. Ulardan talab etiladigan gigienik qoidalarga rioya qilishlari zarur. Bularga tish cho‘tkasi, soqol uskunalarini, tirnoq olish uskunalarini alohida qilish va jinsiy aloqada ehtiyot choralarini qilishlari shart.

Odatda OIV virusi bilan xastalangan kishilarga og‘ir jismoniy harakatlarni tavsiya etilmaydi. Chunki organizm qancha charchasa, immunitet shuncha tushib ketadi. Shu jumladan, murakkab sport turlari bilan shug‘ullanish organizmga zo‘riqish berib, immunitetni sustlashtiradi. OIV bilan xastalangan bemorlar yengil badantariya, yengil mehnat turlari bilan shug‘ullanishlari mumkin. Ochiq havoda sayr qilish, o‘zlari uchun qiziqarli ish bilan mashg‘ul bo‘lish immunitetni ko‘taradi.

Bugungi kunda hech kim bu kasallikdan kafolatlanmagan. Bu kasallikka chalinmaslik uchun albatta, sog‘lom turmush tarziga rioya etish, doimo hushyor va ehtiyotkor, sergak bo‘lishimiz, tibbiy sanitariya-gigiena tartib-qoidalariga qat‘iy rioya etish shart va zarur.

Baxtiyor PARDAEV, shifokor.

“O‘ZMETKOMBINAT” AJNING 80 YILLIGI OLDIDAN

Mamlakatimiz ijtimoiy hayotida, iqtisodiy yuk-shalishida, sanoat taraqqiyotida, qurilish va obodonchilikni barqaror rivojlantirishda O‘zbekiston metallurgiya kombinati muhim rol o‘ynaydi. 1944 yil 5 mart kuni marten sexida birinchi o‘zbek po‘lati olinishi bilan ishga tushgan bu korxonada tarixi jonajon vatanimiz hamda O‘zbekiston xalqi tarixi bilan chambarchas bog‘langan.

“O‘zmetkombinat” AJning ishga tushganligining 80

yilligiga bir yarim yildan ham oz vaqt qoldi. O‘tgan davrda bekobodlik metallurklar jamoasi katta va sharaflari yo‘lni bosib o‘tdi.

Shu munosabat bilan gazetamizda “O‘zmetkombinat” AJning 80 yilligi oldidan rukni ostida maqola va suratlar chop etishni boshlaymiz.

Dastlabki maqola metallurklar sulolasi asoschisi, nomdor po‘lat erituvchi Robbim Nurjaev va ularning sulolasiga bag‘ishlanadi.

BIR SULOLA TARIXI

Kasb tanlash – har bir insonning eng muhim tanlovlardan biri. Kasb – nafaqat daromad topish manbai, balki umrning asosiy qismi sarflanadigan faoliyat hamdir.

Robbim Nurjaev o‘zining 40 yillik umrini metallurgiya sohasiga bag‘ishladi. Marten sexida temir kesuvchi, po‘lat erituvchi, pechda po‘lat quyuvchi bo‘lib samarali mehnat qilib ko‘plab yutuqlarga erishdi.

Robim ota o‘sha davrdagi mehnatlarini shunday xotirlaydi: “O‘sha paytlari ham po‘lat erituvchilar pech yonida maxsus kiyimlarda ishlardilar. Oyoq kiyimimiz ostiga qalin taxtalarni mixlab olardik, bo‘lmasa pech oldida turganimizda poyabzallarimiz dosh berolmay yonib ketardi-da”.

Endi tasavvur qiling po‘lat xuddi suvdek oqishi uchun harorati qancha bo‘lishini? Shu otashin pechlar oldida

40 yil mehnat qilish bu qahramonlik!

Robbim ota “O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatgan sanoat xodimi”. U shuningdek, orden va “Faxriy metallurg”, “Mehnat faxriysi” unvonlari bilan taqdirlangan.

Inson yoqtirmagan ishi bilan butun hayoti davomida shug‘ullansa, o‘zini baxtsiz his qiladi. Siz farzandlaringizga o‘zingizning ishingiz, undagi imkoniyatlar, qulayliklar haqida, kasbingizni maqtab g‘ururlanib gapirsangiz ular ham ota kasbini tanlashi mumkin.

Kombinatda Nurjaevlar oilasini metallurklar sulolasi deyishadi. Uning turmush o‘rtog‘i, farzandlari va nabiralari kombinatning turli sexlarida mehnat qilgan va mehnat qilishmoq-



da.

Robbim otaning turmush o‘rtog‘i Norbibi Nurjaeva 30 yil Xalq iste‘moli mollari ishlab chiqarish sexida, farzandlari Hasanboy 30 yil Quyuv mexanika sexida, Husanboy Elektrda po‘lat eritish sexida, Yusuf Navli prokat sexida samarali mehnat qilish-

gan. Bundan tashqari Yunus Temir yo‘l sexida, Muborak navli prokat sexida ish faoliyatlarini olib borishmoqda. Hozirda uchinchi avlod, ya‘ni R. Nurjaevning nabiralari ham kombinatning turli sexlarida ishlab kelishmoqda.

Ha, bu mehnatsevar otaxon 90 yoshni qoralab qo‘yganiga qaramay hali-hanuz mehnatdan rohatlanadi. O‘zining bog‘ida ishlab, hayotdan mamnun va rozi bo‘lib yaqinlari, shogirdlari, qo‘ni-qo‘shnilariga ibrat bo‘lib kelmoqda.

Robbim ota hozirgacha kombinatning turli tadbirlarida aziz mehmon sifatida qatnashib metallurklar orasida hurmat qozongan inson hisoblanadi.

– E‘zoz va ehtiromning kishi qalbiga beradigan zavqi bizni yanada shijoatli qiladi, – deydi R. Nurjaev. – Xalqimizning xizmatida bo‘lib, oz bo‘lsada yurt ravnaqiga, kombinat rivojiga qo‘shgan hissamizning natijasida bugun qadrdaman.

– Har kim keksayganda umr bo‘yi qilgan mehnatlari rohatini ko‘rsin ekan, – deydi mehnat faxriysi Robbim Nurjaev. – Kishining ko‘ngli ko‘tarilib, ruhi tetiklashadi. Yurtimizda biz, nuroniylar mana shunday baxtga muyassar bo‘layotganimizdan behad mamnumiz.

Bahodir RAHMONQULOV.

Suratda: Robbim Nurjaev (chapda) va uning shogirdi M. Boybolayev.

* COCA-COLA. SUPERLIGA * COCA-COLA. SUPERLIGA * COCA-COLA. SUPERLIGA * COCA-COLA. SUPERLIGA * COCA-COLA. SUPERLIGA * COCA-COLA. SUPERLIGA * COCA-COLA. SUPERLIGA *

Bahordan start olgan superliga karvoni kuz fasliga kelib manziliga yetib keldi. Kim chempion bo‘lgani, sovrindorlar qatoridan qaysi klublar joy olgani va elitani kimlar tark etgani endi ma‘lum.

“Paxtakor” so‘nggi turdagi g‘alaba evaziga 54 ochko bilan musobaqa jadvalini birinchi o‘rinda yakunladi va o‘z tarixidagi 15-chempionlikni qayd etdi.

“Navbahor” 53 ochko bilan ikkinchi o‘rinni egallagan bo‘lsa, “Nasaf” (49) kuchli uchlikka yakun yasadi.

Mavsum yakunlariga ko‘ra, chempion “Paxtakor” va kubok egasi “Nasaf” Osiyo chempionlar Ligasining 2023/24 yilgi mavsumi guruh bosqichiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri yo‘llanmani qo‘lga kiritdi. Kumush medal sohibi “Navbahor” va to‘rtinchi o‘rindagi OKMK o‘z ishtirokini pley-off bosqichidan boshlaydi.

Mamlakat XXXI milliy chempionatining oxirgi turini Toshkentda “Lokomotiv”ga qarshi o‘yin

YAKUNIY JADVAL

No	Jamoalar	O‘	G‘	D	M	T-N	O
1	“Paxtakor”	26	15	9	2	47-18	54
2	“Navbahor”	26	15	8	3	33-15	53
3	“Nasaf”	26	13	10	3	37-16	49
4	AGMK	26	13	5	8	44-23	44
5	“Qizilqum”	26	12	3	11	34-36	39
6	“Olimpik”	26	7	14	5	31-28	35
7	“So‘g‘diyona”	26	9	7	10	31-31	34
8	“Bunyodkor”	26	9	7	10	29-37	34
9	“Neftchi”	26	8	8	10	31-32	32
10	“Metallurg”	26	8	8	10	19-27	32
11	“Surxon”	26	7	5	14	25-44	26
12	“Lokomotiv”	26	6	6	14	22-36	24
13	“Qo‘qon-1912”	26	4	10	12	21-38	22
14	“Dinamo”	26	3	6	17	24-47	15

MAVSUM YAKUNLANDI



bilan yakunlagan “Metallurg” qatorasiga uchinchi mag‘lubiyatini qabul qilib oldi.

Temiryo‘lchilarga g‘alaba suv va havodek zarurligi ularning ishtiyoqida yaqqol o‘z aksini topdi. Mezbolar kuchlilar ligasida qolish uchun maydonning har bir qari-chi, har bitta to‘p uchun murosa-siz kurash olib borib yakunda o‘z maqsadlariga erishishdi.

O‘yinning 38-daqiqasida Islom Rashidxonov hisobni ochdi – 1:0. Mezbolar bo‘limni g‘alaba bilan yakunladik deb turgan bir vaziyatda “Metallurg” standart vaziyatdan foydalanib, hisobni tenglashtirdi. Burchakdan yetkazib berilgan to‘pni Zabixillo O‘rinboev boshi bilan urib darvoza to‘riga tushirdi – 1:1. Ikkinchi taymda “Lokomotiv” o‘yinda to‘liq ustunlikka ega bo‘ldi. Maydon egalari Xurshid Muxtorovning jarimadan hamda Sanjar Qodirqulovning o‘yindan kiritgan gollariga bekobodliklar javob qaytara olish-

madi – 3:1. Shu tariqa ketma ket uchralgan uchinchi mag‘lubiyat “Metallurg”ni o‘ninchi pog‘onaga tushirib yubordi.

“Metallurg” birinchi davrada 11 ta ochko jamg‘argan bo‘lsa, ikkinchi davrada 21 ta ochkoga ega bo‘ldi. 2-davrada 13 o‘yinda 6 g‘alaba, 3 durang va 4 mag‘lubiyat qayd etdi. Qizig‘i, jamoamiz g‘alabalarining to‘rttasini safarda



qo‘lga kiritgan.

“Metallurg” 2021 yilda 11, bu safar 10-pog‘onadan joy oldi. Ispaniyalik Luisma Ernendes o‘tgan mavsum oxirlarida klubni qabul qilib olib, superligada saqlab qolishga erishgan. Bu safar uning boshchiligida klub turlicha taassurot qoldirdi. Gohida yaxshi o‘yinlar va shunga yarasha yaxshi natijalar ham bo‘ldi. Lekin bu holat barqaror ravishda davom etmadi.

“Qo‘qon-1912” oxirgi turda mag‘lubiyatga uchrab, 13-pog‘onaga tushib ketdi va Pro-Liga-ga ravona bo‘ldi. 12-o‘rinni olgan “Lokomotiv” Pro-Liganing uchinchi o‘rin egasi bilan o‘tish o‘yinida ishtirok etadi. Avvalroq “Dinamo” superligada so‘nggi o‘rinni olib, quyi ligaga tushib ketgandi.

YAXSHILIKNING MEVASI JUDA MAZALI BO'LADI

Metallurglar jamoasida ko'p yillar ishlab turli voqealarning guvohi va ishtirokchisi bo'lganman. Ularning ba'zilar yoshlar uchun ibrat bo'lishi, ularga motivatsiya berishini hisobga olib bir voqeani hikoya qilib beraman.

O'tgan asrning 90 yillari oxirida hayotimda unutilmas voqealardan biri yuz berdi.

Ertalab kombinat boshqarmasiga shoshib kirib ketayotganimda yoshi 60ga yaqinlashib qolgan bir kishi menga:

- O'g'lim shu joyda ishlaysizmi? - deya murojaat qildi.

- Ha, otaxon.

- Men kimga murojaat qilishni ham bilmay turibman. Iltimos menga maslahat bering, imkoniyati bo'lsa yordam qiling!

Qarasam ko'rinishidan haqiqatan ham yordamga muhtoj kishi. Ma'lum bo'lishicha u ko'p yillar kombinatda ishlagan. Turmush o'rtog'i olamdan o'tib, 6 nafar farzandi bilan qolgan ekan. Aytishicha uni ishdan bo'shatib yuborishibdi. Sababini o'zi ham bilmas ekan. 3-4 oydan buyon ishlayotgan ekan. U mendan yordam berishimni so'radi.

Bu masala aynan menga taalluqli bo'lmasada bu kishiga yordamlashishga vaqt ajratdim.

Kadrlar bo'limiga kirdim, kombinat bosh direktoriga xat yozib jo'natdim.

Oradan ikki oy o'tib, bir kuni shu keksa kishi xonamga xursand bo'lib kirib keldi. Ishga tiklanganligi uchun menga minnatdorchilik bildirdi. Ishlamay yurgan oylar uchun ham unga mehnat haqi to'liq to'langanligini aytib, menga gazetada o'ralgan pulni bermoqchi bo'ldi.

- Bu sizning xizmat haqingiz. Men va yaqinlarim sizdan juda minnatdormiz.

- Sizga qilgan arzimasi xizmatimdan roziman. Pulingizni olmayman, - deb qanchalik pul olishni rad qilsam u ham shunchalik qistayverdi.

Qarasam bo'lmaydi. Pulni oldim.

- Bu endi meniki. Nima qilsam ham xohishim. Shunday ekan mana shu pullarimga farzandlaringiz uchun kiyim-kechak, o'quv qurollari, shirinkliklar, yeguliklar sotib oling va mening nomimdan ularga sovg'a qiling, - dedim qa'tiy.

Otaxon mening so'zimdani qaytmasligimni tushunib, qayta-qayta minnat-

dorchilik bildirib, xonadan chiqib ketdi.

Oradan ko'p vaqt o'tib, bu voqea unutilib ham ketgandi. Biz bilan birga ishlaydigan Javlonbek to'y qilib, hamkasblarni bazmga taklif qildi. Kombinats va shahar rahbarlari, faollari, to'y egasining hamkasblari qatorida ko'pchilik bo'lib bazmda o'tirgan edik. Saqollari oppoq bir nuroniy otaxon rahbarlarimizdan:

- Inomjon degan yigit sizlar bilan ishlaydimi?

- Ha, bor, - deb ular meni ko'rsatishib, - tinchlikmi otaxon? - deb so'rashdi.

- Tinchlik. Mahallamizda umr yo'ldoshidan ayrilib 6 nafar farzandi bilan qolgan yoshi katta kishi bor. Uni zavoddan ishdan bo'shatishgan edi. 3-4 oy ishlamay, oilasi bilan ancha qiynalib qolgandi. Bu yigit unga ishga tiklanishiga yordam bergan - deb barcha voqeani aytib berdi.

Pulini olmaganimdan so'ng bu kishi mahalla maschitiga ham mayda-chuyda qilib borgan. Ulardan mening

IBRATLI HIKOYA



nomimga duo qilishni so'ragan ekan.

Oppoq saqolli otaxon menga qarab:

- O'g'lim seni tarbiyalagan ota-onangga, ustozlaringga, boshliqlariga mingdan ming rahmat, - deb katta bazmda odamlar oldida men qatori rahbarlarimga, hamkasblarimga ham minnatdorchilik bildirdi.

Hammamiz xursand, kayfiyatimizga yana kayfiyat qo'shildi. Men-ku baxtiyorlikdan o'zimni yettinchi osmondan yurgandek his etdim. Bu yaxshilikning mevasini mendan tashqari hamkasblarim ham baham ko'rishdi. Ana shunda yaxshilikning mevasi juda mazali bo'lishini bilgan edim.

Inomjon ESHONQULOV.

BILIMINGIZNI SINAB KO'RING

Dehqonlar ekinlarni kechroq ekishganda ustiga qora ko'mir kukunlarini sepib qo'yishar ekan.

Savol: ular nega yerga qora ko'mir kukunini sepishadi?

XIX asrda Yevropada velosiped minib yurish juda ommalashib ketadi. Velosiped bahona ayollarning azaliy orzusi ushlab tezlashib ketadi.

Savol: velosiped bahona ayollar qanday orzusini amalga oshirib olishadi?



Xalqimizda bir gap borki, uni xursand odamga aytsangiz sizdan qattiq xafa bo'ladi, xafa bo'lgan odamga aytsangiz xursand bo'ladi.

Savol: bu qanday gap?

Bu poytaxt ikki shaharning birlashishidan tashkil topgan. Uning nomi ham ikki shahar qo'shilishidan paydo bo'lgan.

Savol: Bu qaysi shahar?

Avval uning yorug'ligini ko'rasiz, so'ng ovozi eshitiladi, so'ng shamolni his qilasiz. Shundan so'ng uning o'zi kirib keladi.

Savol: Bu nima?

Javoblarni gazetaning keyingi sonidan bilib olasiz.

Gazetaning o'tgan sonidagi savollarning javoblari.

Harorat, Quyosh, Xarita, Qush pati, 22:2-2 = 9.

Quyosh tig'ida yurmoqqa jasorati yetmagan inson soyada qolmoqqa va soyani nur deb hisoblamoqqa mahkumdur!

Shams Tabriziy.

Gar siringni asrash o'zingga maloldir, boshqa biron uni asramog'i maholdir.

"Mahbub ul-qulub" dan.

Ko'zlaringizni samoga qaratsangiz - ularda osmon aks etar, botqoqqa qar-

HIKMATLAR XAZINASI

atsangiz - botqoq aks etar. Ko'zlarimizni qaerga qaratashimiz esa bizning irodamiz va xohishimizga bog'liqdir.

Konfutsiy.

Hakimlar aytishdi: "Qachonki kishida ilm ko'paysa, gap-so'z ozayadi. Agar ilm kamaysa, gap-so'z, ortiqcha kalom ko'payadi".

QISQA TA'SIRLI HIKOYA

TUHFA

Shifokor kasallik varaqasiga bepustlik xulosasini qo'rganini ko'rganida unchalik siqilmagan ekan...

Azoblisi buni turmush o'rtog'iga aytish bo'ldi...

Erining baqirishi, jahl qilib, uydin quvib solishini kutgandi. Aniqrog'i shunga tayyorgarlik ko'rib narsalarini tugib qo'yishga ham ulgur-gandi...

... U kutganday bo'lmadi... Eri avvalgidan mehribon, g'amxo'r bo'lgandek tuyuldi nazdida.

Qancha dashnomlarga chidashmadi. O'ziku taqdiriga tan bergan bo'lsada, erining ortidan otilayotgan so'zlar yuragiga tig'day botardi...

O'g'lining tug'ilgan kunida mehmonlarni kuzatib, oshxonada idish yuvayotgan munis ayol shu xotiralarni o'ylaganicha, bergan tuh-fasi uchun Yaratganga shukrona aytishdan to'xtamasdi.

Quvonchbek KARIMOV.

KELING, BIR
KULISHAYLIK!

- Og'ayni, nega ko'p sigaret chekasan-a?

- Bilasanmi... Xavotirdaman.

- Nimadan xavotirdasan?

- Sog'lig'imdan.

Imtihonga kirgan talabandan o'qituvchi so'rabdi:

- Ismingiz nima?

Talaba kulib:

- Akbar, - deb javob beribdi.

- Nega buncha xursand bo'lyapsiz Akbar? - debdi o'qituvchi.

- Birinchi savolingizga aniq va lo'nda javob berdim, - debdi talaba.

- Hov, anavi yerda uch kishi bitta yigitni uryapti!

- E attang, telefonimning kamerasi yo'q!



MUASSIS:
O'zbekiston metallurgiya
kombinati aksiyadorlik jamiyati.

WWW.uzbeksteel.uz

Muharrir:
Ismadiyor MAMATQULOV

TAHRIRIYAT: Bekobod shahar
"O' zmetkombinat"
aksiyadorlik jamiyatining
Metallurglar madaniyat saroyida
joylashgan.
Tel: 10-17, 70-214-19-24

Gazeta oyda bir marta
chiqadi.

Gazeta tahririyat kompyuterida
terilib, sahifalandi va "Niso Poligraf"
MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Bosmaxona manzili:
O'rta Chirchiq tumani, "Oq ota"
hududi "Mash'al" mahallasi,
"Markaziy" ko'cha, 1-uy.

Sahifalovchi:
Inom Xojimurodov

Bosishga topshirish vaqti 17.00
Bosishga topshirildi-16.00
Adadi 500. Bichimi A-3.
ISSN 2181-645X
Gazeta "O' zmetkombinat"
AJda bepul tarqatiladi.